Аллоҳнинг ҳузурида қиёмат куни энг ашаддий азобга учрайдиганлар, Аллоҳнинг яратганига ўхшатишга уринганлардир

Мўминларнинг онаси Оиша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимга кирдилар. Мен токчамга нафис парда тўсиб қўйган эдим. Унда суратлар бор эди. У зот уни кўришлари билан тортиб олдилар ва ранглари ўзгариб: «Эй, Оиша! Аллоҳнинг ҳузурида қиёмат куни энг ашаддий азобга учрайдиганлар, Аллоҳнинг яратганига ўхшатишга уринганлардир», дедилар. Бас, биз уни бўлиб, битта ёки иккита болиш қилиб олдик.
[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам уйларига Оиша разияллоҳу анҳо ҳузурларига кирдилар. Кичкина жавонни тирик жонзотнинг сурати бор парда билан ёпиб қўйганларини кўриб, Аллоҳ учун юзлари ўзгариб ғазабландилар ва уни юлиб ташладилар ва: «Қиёмат куни азоби энг қаттиқ инсонлар чизган сўратлари билан Аллоҳга ўхшашга ҳаракат қилганлар», – дедилар. Оиша онамиз: «Шунда биз уни битта ёки иккита тўшакча қилиб олдик», – дедилар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5931